

**“ҚАЙТА РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИЛДИ”**

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
2020 йил 12 ноябрь 432п-сон**



“ТАСДИҚЛАНДИ”

**Ўзбекистон ахборот
технологиялари ва оммавий
коммуникация ходимлари касаба
уюшмаси IX-Курултойининг
2020 йил 7 октябрдаги IX-3-сон
қарори**



**ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
УСТАВИ
(янги тахрирда)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси (кейинги ўринларда – Касаба уюшмаси) мулкчилик шаклидан қатъи назар алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация соҳасидаги корхона, муассаса, ташкилотларда (кейинги ўринларда – корхона) меҳнат қилаётган ходимлар ва таълим олаётган ўқувчи-талабаларнинг ишлаб чиқариш, касбий, ижтимоий-иқтисодий ва меҳнатга доир умумий манфаатларини ифода этиш ҳамда қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

2. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик Кодекси, Меҳнат кодекси, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунларига, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, ўзи аъзо бўлган касаба уюшмалари бирлашмаси Устави, шунингдек, мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

3. Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари (кейинги ўринларда – бошланғич ташкилот) ўз фаолиятида, шу жумладан молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақил бўлиб, улар олдида ҳисобдор эмас ҳамда улар томонидан назорат қилинмайди, қонунларда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

4. Касаба уюшмаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда – Федерация) билан келишилган ҳолда ўз тузилмасини, ходимларининг штат бирлигини белгилайди, республика ва хорижий давлатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилади, шунингдек, халқаро касаба уюшмалари бирлашмаларига кириши ва уларни ташкил этишда қатнашиши мумкин.

5. Касаба уюшмаси ўз аъзоларининг манфаатларини кўзда тутиб, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар, бошқа жамоат бирлашмалари, юридик шахслар ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Касаба уюшмасининг фаолияти иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари (вазирлик, компания, агентлик, уюшма), давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ижтимоий шериклик принципи асосида тузилган жамоа шартномалари ва келишувларига ҳамда меҳнатга оид муносабатларда томонларнинг тенг ҳуқуқлигига асосланади.

6. Касаба уюшмасининг расмий номи:

ўзбек тилида – Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси;

лотин ёзувида – O‘zbekiston axborot texnologiyalari va ommaviy kommunikatsiya xodimlari kasaba uyushmasi;



ташкilotларга Устав вазифаларини бажаришига молиявий кўмаклашиш мақсадида жамғармалар тузишга;

касаба уюшма аъзоларининг меҳнат муаммолари, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланадиган ташкilotлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга;

касаба уюшмаси ташкilotларида иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

11. Касаба уюшмаси фаолиятининг йўналишлари бўйича вазифалари ва уларнинг бажарилиш тартиби касаба уюшмаси Қурултойи томонидан тасдиқланган Харакат Дастурида белгиланади.

12. Касаба уюшмаси ўз аъзоларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида таъқиқланмаган барча воситалардан фойдаланади.

+ III. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Касаба уюшмасининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси, шунингдек суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш;

оммавий-ахборот воситаларида, шунингдек интернет тармоғида ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз кириш;

иш берувчилардан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва меҳнатга оид муносабатлар юзасидан бепул ахборот ҳамда зарур бўлган маълумотномаларни ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш;

ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизасини ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ҳодимларнинг меҳнатига оид қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи инспекциялар тузиш;

иш берувчиларга кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритиш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни тегишлича жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритиш;

ижтимоий шериклик масалалари бўйича маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш ҳақида ташаббуслар билан чиқиш, битимлар, шартномалар ва келишувлар



ташкilotларга Устав вазифаларини бажаришига молиявий кўмаклашиш мақсадида жамғармалар тузишга;

касаба уюшма аъзоларининг меҳнат муаммолари, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланган ташкilotлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга;

касаба уюшмаси ташкilotларида иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

11. Касаба уюшмаси фаолиятининг йўналишлари бўйича вазифалари ва уларнинг бажарилиш тартиби касаба уюшмаси Қурултойи томонидан тасдиқланган Харакат Дастурида белгиланади.

12. Касаба уюшмаси ўз аъзоларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида таъқиқланмаган барча воситалардан фойдаланади.

+ III. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Касаба уюшмасининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси, шунингдек суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш;

оммавий-ахборот воситаларида, шунингдек интернет тармоғида ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз кириш;

иш берувчилардан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва меҳнатга оид муносабатлар юзасидан бепул ахборот ҳамда зарур бўлган маълумотномаларни ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш;

ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизасини ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ҳодимларнинг меҳнатига оид қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи инспекциялар тузиш;

иш берувчиларга кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритиш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни тегишлича жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритиш;

ижтимоий шериклик масалалари бўйича маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш ҳақида ташаббуслар билан чиқиш, битимлар, шартномалар ва келишувлар



тузиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда муҳокама қилишда иштирок этиш;

ходимлар номидан жамоа музокараларини олиб бориш, жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишда иштирок этиш, меҳнат низолари бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этиш, оммавий равишда ишдан озод этиш оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлашувлар ўтказиш;

иш берувчининг ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги таклифларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

турли кўрик-танловлар, оммавий-маданий тадбирлар ва спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш;

касаба уюшмаси эсдалик ва кўкрак нишони, Фахрий ёрлиғи, Фахрий унвонларини таъсис этиш;

Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар юридик шахс сифатида ўзининг белгиланган намунадаги муҳри, тамғаси (штампи), расмий иш қоғози (бланка) ва банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлади.

Улар ўз номидан битимлар, шартномалар тузиши, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Касаба уюшмаси мустақил равишда ўз Устави, Низомларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, фаолиятининг мақсадини, шакл ва услубларини белгилайди, Курултой, Мажлис, Конференция, йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказади.

Касаба уюшмаси қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказиладиган рамзий белгисига эга бўлиши мумкин.

Уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини, тижорат ташкилотларини, жамғармаларни, инспекцияларни ташкил этиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

14. Касаба уюшмасининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этиш;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

касаба уюшмасини рўйхатдан ўтказувчи органга режалаштирилган тадбирлар ҳақида олдиндан хабар қилиш ва унинг вакилига ушбу тадбирларга кириш имконини бериш;

рўйхатдан ўтказувчи, давлат солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш;

ўз фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

Касаба уюшмаси томонидан қабул қилинадиган устав ва низомларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, Интернет тармоғида, шу жумладан касаба уюшмасининг расмий веб-сайтига жойлаштириш;

Ўз аъзолари олдида ҳар 5 (беш) йилда камида бир марта ҳисобот бериш;

Касаба уюшмаси ўз молявий-хўжалик фаолиятининг натижалари ҳисобини олиб боради ва рўйхатдан ўтказган орган, статистика, банк ва солиқ идораларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.



IV. КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

15. Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Касаба уюшмаси Устави талабларини тан олувчи ва бажарувчи, аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб борувчи, меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган, ўн беш ёшга тўлган шахслар касаба уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида яшаётган, тармоққа тааллуқли ташкилотларда меҳнат қилаётган ёки таълим олаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, касаба уюшмасига аъзо бўлишлари мумкин ва тенг ҳуқуқлидир.

16. Касаба уюшмаси аъзолигига фуқаронинг аризасига биноан бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши ёки кўмитаси, шунингдек у ваколат берган цех касаба уюшмаси кўмитаси томонидан қабул қилинади.

Ўриндошлик ёки фуқаровий ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида фаолият юритаётган фуқаро бир вақтнинг ўзида бошқа тармоқ касаба уюшмасига аъзо бўлиши мумкин.

Касаба уюшма аъзосига бошланғич ташкилот (цех) касаба уюшма кўмитаси раиси ёки ташкилотчиси томонидан ягона намунадаги аъзолик билети топширилади.

Касаба уюшмаси аъзоси асосий иш (ўқиш) жойидаги бошланғич ташкилот ҳисобида туради.

17. Бошланғич ташкилот тузилмаган корхона ва таълим муассасаларда ходимларни, талабаларни касаба уюшма аъзолигига қабул қилиш Республика Кенгаши Ижроия кўмитаси қарори билан амалга оширилади.

18. Касаба уюшмасига аъзолик қуйидаги ҳолларда сақланиб қолади:

касаба уюшмаси аъзоси фарзанд тарбиялаш ёки яқин қариндошини парваришлаш зарурияти билан меҳнат фаолиятини вақтинчалик тўхтатганда;

ходимлар сони(штат)нинг ўзгариши (қисқариши) ёки корxonанинг тугатилиши муносабати билан вақтинчалик ишсиз қолиб, меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган касаба уюшмаси аъзосига - бошқа ишга жойлашгунча;

ходим иш берувчи томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатишган ҳолларда, қайта ишга тиклангунига қадар;

ходим мавсумий ишларда банд бўлиб, кейинги мавсумда ишни қайта бошлагунига қадар;

Республика ҳудудидан ташқарига ўқиш ва хизмат вазифаси билан боғлиқ вақтинча ишга кетганлар – қайтиш даврига қадар;

касаба уюшмаси аъзосининг Куролли Кучларда хизмати тугагандан сунг икки ойгача.

касаба уюшмаси аъзоси соғлиғи бўйича ёки ёшга доир пенсияга чиқиб ишини тўхтатганда (касаба уюшмаси ташкилоти билан алоқани узмаслик ва аъзолик бадалларини тўлаб туриш шарти билан).

Бундай шахсларнинг аризаси бошланғич ташкилот органи томонидан кўриб чиқилади ва тегишли қарор асосида амалга оширилади.

19. Касаба уюшмаси аъзосининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Касбий ҳамда ижтимоий-меҳнат ҳуқуқ ва манфаатларига оид масалалар бўйича касаба уюшмасининг ҳимоясида бўлиш;

ишга жойлашишда ва бандлик масалаларида касаба уюшмаси ташкилотидан кўмак ва ёрдам олиш;

касаба уюшмаси ташкилотларидан меҳнат ҳуқуқларига оид маслаҳат ва бепул ҳуқуқий ёрдам олиш;

касаба уюшмасининг барча даражадаги раҳбар ва бошқа сайланадиган органларини сайлаш ва уларга сайланиш;

касаба уюшмаси тадбирларида қатнашиш, таклифлар киритиш, ўз фикрини эркин билдириш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида ҳам;

ўз фаолияти ва шахсига тааллуқли масала муҳокама этилаётганда, унинг мурожаати кўриб чиқиляётганда, мажлислар ва йиғилишларда шахсан иштирок этиш;

ўзи ёки оила аъзоларини касаба уюшмалари тизимидаги санаторий ва соғломлаштириш масканларида даволаниши ҳамда дам олиши, шунингдек, болалар оромгоҳларига йўлланмаларни белгиланган тартибда имтиёзли шартларда олиш;

касаба уюшмалари тасарруфидаги маданий-маиший муассасалар ва спорт иншоотларидан имтиёзли тарзда фойдаланиш;

касаба уюшмаси мулкидан фойдаланиш ёки моддий ёрдам олиш;

ўз хошиши ва аризасига биноан, касаба уюшмаси аъзолигидан чиқиш.

20. Касаба уюшмаси аъзосининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

касаба уюшмаси Устави талабларига риоя қилиш;

касаба уюшмаси сайланма органларининг қарорларини бажариш;

касаба уюшмаси ташкилотининг фаолиятида ва тадбирларида шахсан қатнашиш;

жамоа шартномаси ва келишувлар бўйича мажбуриятларни бажарилишига кўмаклашиш;

жамиятда ва меҳнат жамоасида одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш;

касаба уюшмаси обрўсига путур етказадиган ножўя ҳаракатларга йўл кўймаслик;

касаба уюшмаси нуфузини мустаҳкамлашга ва унинг сафларини кенгайтиришга ўз ҳиссасини қўшиш;



аризасига кўра аъзолик бадалларини ўз вақтида ҳамда белгиланган тартибда тўлаш ва бошқалар.

21. Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич фаолиятидаги жонбозлиги учун касаба уюшмаси аъзосига рағбатлантириш турлари қўлланилади:

- ташаккурнома эълон қилиш;
- кимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан мукофотлаш;
- пул мукофоти бериш;
- Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш;
- имтиёзли равишда йўлланмалар ажратиш;
- эсдалик ва кўкрак нишони билан тақдирлаш;
- давлат ва идоравий мукофотларга тақдим этиш.

Рағбатлантириш тартиби касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан белгиланади.

22. Мазкур Уставда белгиланган мажбуриятларни қўпол равишда бузган касаба уюшмаси аъзосига нисбатан қуйидаги жамоат таъсири чоралари қўрилади:

- танбех бериш;
- сайланма орган таркибида бўлса – орган таркибидан чақириб олиш ёки чиқариш;
- касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш.

23. Жамоат таъсири чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор касаба уюшмасига қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган ёки юқори касаба уюшмаси раҳбар органи томонидан айбдор касаба уюшма аъзосининг иштирокида кўриб чиқилади.

Касаба уюшмаси аъзоси йиғилишда иштирок этишини узрли сабабсиз рад этган ҳолларда, жамоат таъсири чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор унинг иштирокисиз ҳам қабул қилиниши мумкин.

24. Касаба уюшмаси аъзосига жамоат таъсир чорасини қўллашда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талабларига риоя этилиши шарт.

Қоида тариқасида, ҳар бир айбли ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун касаба уюшмаси аъзосига фақат битта жамоат таъсир чораси қўлланилади.

Жамоат таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор нусхаси 3 (уч) кун ичида касаба уюшмаси аъзосига тилхат билан берилади.

25. Қўлланган жамоат таъсир чорасидан норози бўлган касаба уюшмаси аъзоси бир ой муддат ичида юқори касаба уюшмаси раҳбар органига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

26. Аъзолик бадалини узрсиз сабабларга кўра 6 (олти) ойдан ортиқ тўламаган аъзо касаба уюшма сафидан чиққан, деб ҳисобланади (ушбу Уставнинг 84 - банди бундан мустасно).

Касаба уюшмаси сафидан чиқарилган касаба уюшмаси аъзоси касаба уюшмаси томонидан ҳимояланиш, унинг мулки ва воситаларидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади.

27. Касаба уюшмаси аъзосидан жамоат таъсир чораларини муддатидан олдин олиб ташлаш масаласи тегишли касаба уюшма ташкилоти томонидан камида 3 (уч) ойдан кейин кўриб чиқилади.



28. Қўлланилган жамоат таъсири чораси берилган кундан бошлаб бир йилдан сўнг ўз кучини йўқотади.



V. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

29. Касаба уюшмаси фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- ихтиёрийлик;
- камситишга йўл қўймаслик;
- мустақиллик ва ўзини-ўзи бошқариш
- тенг ҳуқуқлилик;
- ошкоралик ва очиқлик;

30. Касаба уюшмасининг ташкилий тузилмасини қуйидагилар ташкил этади: бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари; касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси; тафтиш комиссиялари.

Касаба уюшмаси тизимида хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш ва бошқа шу каби кенгашлар, комиссиялар тузиш Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан ва тегишли Низомлар асосида амалга оширилади.

VI. БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИ

31. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти бир ёки бир нечта иш берувчида ишлайдиган ёки тегишли таълим муассасасида ўқийдиган касаба уюшмаси аъзоларининг касаба уюшмаси Устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий бирлашмасидир.

Бошланғич ташкилот касаба уюшмасининг асоси ҳисобланади. Бошланғич ташкилотни тузиш камида 2 (икки) нафар касаба уюшмаси аъзосининг ташаббуси билан амалга оширилади.

32. Бошланғич ташкилотни тузиш тўғрисида қарор корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ёки тегишли таълим муассаси ўқувчи-талабаларининг таъсис йиғилиши ёки Конференцияси томонидан қабул қилинади.

Таъсис йиғилиши ёки Конференция қарори асосида бошланғич ташкилотни касаба уюшмаси хизмат дорирасига олиш Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори билан амалга оширилади.

33. Юридик шахс мақомига эга бўлган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

34. Бошланғич ташкилотни тугатиш тўғрисида Республика Кенгаши Ижроия қўмитасини камида икки ой олдин огоҳлантирган ҳолда, бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши ёки Конференциясида қарор қабул қилиниши мумкин.

Бошланғич ташкилотни тугатиш ва касаба уюшмаси хизмат доирасидан чиқариш Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори билан расмийлаштирилади.

35. Республика Кенгаши Ижроия кўмитаси қарори билан касаба уюшмаси аъзолари сони кўп ёки ҳудудий тарқоқлик шароитида фаолият бошланғич ташкилотга кўмита раёсатини сайлаш ҳуқуқи берилиши мумкин.

36. Жорий ишларни олиб бориш учун бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши (Конференцияси)да куйидагилар 5 (беш) йил муддатга сайланади.

ўн беш нафаргача касаба уюшма аъзоси бўлган бошланғич ташкилотда касаба уюшма ташкилотчиси, унинг ўринбосари ва ғазначи;

ўн беш ва ундан кўп касаба уюшма аъзосини бирлаштирган бошланғич ташкилотда касаба уюшмаси кўмитаси аъзолари, раиси ҳамда тафтиш комиссияси (ўз мустақил бюджетига эга бўлган бошланғич ташкилотда).

37. Касаба уюшмаси кўмитасининг мажлислари заруриятга қараб, лекин ҳар 3 (уч) ойда камида бир марта ўтказилади.

38. Касаба уюшмаси кўмитаси ёки ташкилотчиси ҳар йил якунида касаба уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши (Конференцияси)да ўз фаолияти ҳамда касаба уюшмаси ва хўжалик субъектларидан ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисида ҳисобот беради.

39. Касаба уюшмаси кўмитаси раиси ва ташкилотчисининг муддатдан илгари сайлови мазкур ташкилот аъзоларининг камида 1/3 (учдан бир) қисмининг ёзма талабига, шунингдек, уларнинг ўз ташаббуси билан ёки юқори касаба уюшмаси раҳбар органининг қарорига биноан ўтказилади.

40. Республика Кенгаши Ижроия кўмитаси қарорига кўра бошланғич ташкилотларга кўшимча ваколатлар берилиши мумкин.

Ҳудудий тарқоқлик ёки бошқа ҳолатларни эътиборга олган ҳолда касаба уюшмаси кўмитаси ўзининг айрим ҳуқуқларни таркибидаги цех кўмитасига бериши мумкин.

Цех кўмитасига берилиши мумкин бўлган ҳуқуқлар Республика кенгаши Ижроия кўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

41. Корхона, ташкилот ёки муассасада мулкчилик шакли ўзгарган тақдирда, бошланғич ташкилот ўз ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда, фаолият кўрсатишни давом этади.

42. Бошланғич ташкилотнинг раҳбар органи касаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши ёки Конференцияси ҳисобланади.

Умумий йиғилишда касаба уюшма аъзоларининг барчаси иштирок этади.

Конференцияда 100 нафардан кўп аъзолари бўлган ёки ҳудудий тарқоқлик ёхуд бошқа ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда аъзолардан сайланган делегатлар иштирок этади.

43. Бошланғич ташкилотларда умумий йиғилиш ёки Конференция заруриятга қараб, лекин ҳар йили камида бир марта ўтказилади.

Зарур ҳолларда, Умумий йиғилиш (Конференция) касаба уюшмаси кўмитаси қарори билан касаба уюшмаси аъзоларининг камида 1/3 (учдан бир) қисми талабига асосан ёки юқори турувчи касаба уюшмаси органининг қарорига мувофиқ чақирилади.





44. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши (Конференция)ни чақириш, вакиллик нормаси ва кун тартиби тўғрисидаги касаба уюшмаси кўмитасига қарор қабул қилинади.

45. Умумий йиғилиш (Конференция) ваколатлари қуйидагилардан иборат:
 Бошланғич ташкилотни тузиш ва тугатиш;
 касаба уюшмаси кўмитаси раисини ёки бошланғич ташкилот ташкилотчисини сайлаш;
 касаба уюшмаси кўмитаси аъзоларини сайлаш;
 тафтиш комиссия аъзолари ва раисини сайлаш;
 касаба уюшмаси кўмитаси ва тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш;
 юқори касаба уюшмаси органлари таркибига вакилларни сайлаш ёки чақириб олиш.

Умумий йиғилиши (Конференция) айрим ҳуқуқларини бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитасига бериш ваколатига эга.

46. Касаба уюшмаси кўмитасининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:
 касаба уюшмаси аъзоларини ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш юзасидан қарорлар қабул қилади;
 жамоа шартномасини тузиш бўйича иш берувчи билан музокара олиб бориш учун касаба уюшмаси вакилини юборади ва бажарилишини назорат қилади;
 касаба уюшмаси аъзолари ва фаолларини ўқитишини ташкиллаштиради;
 меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш билан боғлиқ яқка тартибдаги ва жамоа меҳнат низолари, жамоа шартномасининг шартлари, мавжуд меҳнат шароитларини ўзгартириш ёки янгиларини белгилаш бўйича масалаларни кўриб чиқишда иштирок этади;

ўз аъзоларининг меҳнат, меҳнат муҳофазаси, маиший турмуш, маънавият ва маърифат, спорт ва соғломлаштириш соҳаларида ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади;


жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда, унинг олдиндан розилигини олмасдан туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, йўл қўймаслик чораларини кўради;

меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизими, тариф ставкалари (иш хақи) миқдори, моддий ёрдам ва рағбатлантириш тури, миқдори ва шакллари белгилашда иштирок этади;

ижтимоий суғурта маблағлари ҳамда касаба уюшма бюджети ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторийларда, болалар оромгоҳларида соғломлаштириш ишларини ташкил этади, йўлланмалар учун ажратилган маблағларни мақсадли сарфлайди;

бошланғич ташкилотнинг ташкилий тузилмасини белгилайди, цех ташкилоти ва касаба уюшма гуруҳини тузиш ёки тугатиш бўйича юқори касаба уюшмаси раҳбар органи билан келишган ҳолда қарор қабул қилади;

касаба уюшма фаолиятининг йўналишлари бўйича доимий ва вақтинчалик комиссиялар тузади;



умумий йиғилиш (Конференция)ни чақириш тўғрисида қарор қабул қилади;
юқори касаба уюшмаси органларининг топширикларини ва умумий йиғилиш
(Конференция) ҳамда ўз қарорлари бажарилишини таъминлайди;

амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, ўз ихтиёрида қолдирилган
маблағлардан касаба уюшма бюджетини ва сарф-харажатлар сметасини юқори
касаба уюшма органлари билан келишилган ҳолда тасдиқлайди ҳамда мазкур
маблағларни Уставда белгиланган мақсадларга сарфлайди;

заруриятга кўра, белгиланган тартибда умумий йиғилиш (Конференция)
оралиғида касаба уюшмаси кўмитаси раисини сайлайди (вазифасидан озод этади);

умумий йиғилиш (Конференция) томонидан унга топширилган бошқа
вазифаларни ҳам амалга оширади.

47. Касаба уюшмаси кўмитаси раиси (ташкилотчиси) касаба уюшмаси
аъзолари орасидан сайланади. Бунда, касаба уюшмаси кўмитаси раислиги
(ташкилотчиси)га номзод шахс касаба уюшмаси аъзолари фаолият юритаётган
корхона, ташкилот, муассасанинг ходими бўлиши мажбурий эмас.

48. Банкда ҳисоб рақамига эга бўлган бошланғич ташкилотда касаба
уюшмаси кўмитаси қарори билан ҳисобчи (ғазначи) тайинланади.

49. Касаба уюшмаси кўмитаси раиси (ташкилотчиси), шу жумладан, кўмита
аъзолари ҳамда тафтиш комиссияси)нинг сайланган муддати ўтгач, ваколати
тутаган ҳисобланади.

Ваколат муддати тугаганидан сўнг, касаба уюшмаси аъзолари умумий
йиғилиш (конференция) ўтказиб, қайта сайлов ўтказишлари лозим.

Заруриятга кўра, сайловларни кечиктириш ва ўтказиш муддатлари касаба
уюшмаси Республика кенгаши Ижроия кўмитаси қарори билан амалга оширилади.

VII. КАСАБА УЮШМАСИ ВА УНИНГ РАҲБАР САЙЛАНМА ОРГАНЛАРИ

50. Қуйидагилар касаба уюшмасининг раҳбар сайланма органлари
ҳисобланади:

Курултой – касаба уюшмасининг олий органи;

Республика кенгаши Мажлиси – Курултойлар оралиғида касаба
уюшмасининг доимий фаолият юритувчи коллегиял раҳбар органи;

Республика кенгаши Ижроия кўмитаси – касаба уюшмаси фаолиятига
жорий раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижроия органи;

Касаба уюшмаси раиси – фаолиятини яккабошчилик асосида амалга
оширувчи ижро органи.

Тафтиш комиссияси – касаба уюшмасининг коллегиял назорат органи.

51. Касаба уюшмасининг камида 5 (беш) йилда бир марта ўтказиладиган
Курултойи унинг олий раҳбар органи ҳисобланади.

Курултой Республика кенгаши Мажлиси қарорига биноан чақирилади.
Курултойга вакиллик нормаси ва унинг кун тартиби камида 2 (икки) ой олдин
маълум қилинади.

52. Касаба уюшмасининг навбатдан ташқари Курултойи Республика кенгаши
Мажлиси қарорига мувофиқ ёки Федерация сайланма органи қарорига биноан
чақирилиши мумкин.



Навбатдан ташқари Қурултойни чақиритиш ва кун тартиби тўғрисидаги қарор камида 1 (бир) ой олдин маълум қилинади.

53. Қурултой олий раҳбар орган сифатида Республика кенгаши Мажлиси, Республика кенгаши Ижроия қўмитаси масалаларига доир ҳамда касаба уюшмаси фаолиятига оид ҳар қандай қарорлар қабул қилиши мумкин.

Қурултой ҳужжатлари қарорлар, мурожаатлар ва резолюциялар шаклида қабул қилинади.

54. Касаба уюшмаси Қурултойнинг ваколати қуйидагилардан иборат:
 касаба уюшмасини қайта ташкил этиш, тугатиш ва фаолиятини тўхтатиш;
 Устав ва Ҳаракат Дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартириш, қўшимчалар қўриш ва тасдиқлаш;

Республика кенгаши аъзоларини ва уларнинг дублёрларини 5 (беш) йил муддатга сайлаш, шунингдек, белгиланган меъёр асосида тўғридан-тўғри сайланган Республика кенгаши аъзоларининг ваколатларини тасдиқлаш;

тафтиш комиссияси таркиби ва унинг раисини сайлаш;

касаба уюшмаси раисини сайлаш;

Республика кенгашининг ҳисоботини эшитиш ва фаолиятига баҳо бериш;

тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш;

Федерация Қурултойига делегатларни сайлаш;

Федерация Кенгаши таркибига вакилларни сайлаш.

касаба уюшмалари бирлашмаларига, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотларига аъзо бўлиш ва аъзоликдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

55. Қурултой ўзининг айрим ваколатларни Республика кенгаши, Республика кенгаши Ижроия қўмитаси, касаба уюшмаси раисига бериши мумкин.

56. Республика кенгаши Мажлиси

Республика кенгаши Қурултойлар оралиғида 5 (беш) йил муддатга сайланадиган касаба уюшмасининг доимий фаолият юритувчи коллегиял раҳбар органи ҳисобланади.

Республика кенгаши таркибига лавозимига кўра касаба уюшмаси раиси ва унинг ўринбосар(лар)и киради.

Республика кенгашининг Мажлиси заруриятга кўра, ҳар йили камида 1 (бир) марта ўтказилади ва касаба уюшмаси ўз фаолияти тўғрисида аъзоларига ҳисобот бериб боради.

Республика кенгашининг Мажлиси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига ёки Республика кенгаши аъзолари умумий сонининг камида 1/3 (учдан бир) қисмининг талабига кўра чақирилади.

Республика кенгашининг Мажлиси ҳужжатлари қарор шаклида қабул қилинади.

Республика кенгаши Мажлисларини касаба уюшмаси раиси, у йўқ бўлган ҳолларда ўринбосари ёки Республика кенгаши Мажлиси қарорига кўра, унинг аъзоларидан бири олиб боради.

Республика кенгаши ўз фаолияти бўйича фақат Қурултой олдида ҳисобдордир.

57. Республика кенгашининг Мажлиси қуйидаги ваколатларга эга:



касаба уюшмаси Курултойининг, Федерация сайланма органлари хамда ўз қарорларининг бажарилишини таъминлаш;
 касаба уюшмаси рамзини белгиланган тартибда тасдиқлаш;
 касаба уюшмаси комиссияларининг таркибини тасдиқлаш;
 Республика кенгаши ва Ижроия қўмитасининг сон таркибини белгилаш ва ў

(беш) йил муддатга Республика кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоларини, уларнинг ўринбосарларини - дублёрларини сайлаш;

Федерация Бош Кенгаши таркибига ўз вакилларини сайлаш хамда вакилларини чақириб олиш;

Курултойни чақириш, кун тартиби ва ўтказилиш жойи бўйича қарор қабул қилиш;

ўз фаолияти тўғрисида касаба уюшмаси аъзоларига ҳар йили камида бир марта ҳисобот бериб бориш;

касаба уюшмаси мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш;

ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилиш;

Курултойлар оралиғида касаба уюшмаси раиси ёки унинг ўринбосари ўз хоҳишига кўра ёки бошқа ишга ўтганлиги сабабли ариза берган тақдирда, шунингдек, соғлиғига кўра ўз вазифаларини бажара олмай қолганда, уларни лавозимидан озод қилиш ва навбатдан ташқари сайловни ўтказиш;

94 ушбу Уставнинг 103- бандида кўрсатилган ҳолларда, касаба уюшмаси Уставига ва бошқа ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. 94

Республика кенгаши ўзининг мутлоқ ҳисобланмаган айрим ваколатларини Республика кенгаши Ижроия қўмитасига ва касаба уюшма раисига бериши мумкин.

58. Республика кенгаши Ижроия қўмитаси

Республика кенгаши Ижроия қўмитаси Республика кенгаши Мажлислари оралиғида касаба уюшмасининг доимий ижроия органи бўлиб, ҳисобланади.

Республика кенгаши Ижроия қўмитаси таркибига лавозимига кўра касаба уюшмаси раиси ва унинг ўринбосар(лар)и киради.

Республика кенгаши Ижроия қўмитаси йиғилиши заруриятга қараб, аммо ҳар чоракда камида бир мартаба ўтказилади.

59. Республика кенгаши Ижроия қўмитаси ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Курултой ва Республика кенгаши Мажлиси қарорларини бажарилишини ташкил қилади ва назорат этади;

амалга оширилган ишлар тўғрисида Республика кенгаши Мажлисга ахборот бериб боради;

Республика кенгаши Мажлисини чақириш, кун тартиби ва ўтказилиш жойи қарор қабул қилади;

бошланғич ташкилотларнинг Уставда белгиланган фаолияти бўйича ҳисоботини эшитади ва тегишли қарор қабул қилади;



бошланғич ташкилотларни касаба уюшмаси хизмат доирасига олиш ва уларни чиқариш бўйича қарорларни тасдиқлайди;

Федерация Бош Кенгаши Ижроия Қўмитаси билан келишилган ҳолда касаба уюшмаси тузилмасини белгилайди, ўзгартиради ва тасдиқлайди.

бошланғич ташкилот тўғрисидаги ва касаба уюшмаси фаолиятига оид Низомларни тасдиқлайди.

касаба уюшмасининг фаолияти билан боғлиқ йўналишлар бўйича комиссиялар, кенгашлар, инспекцияларга оид қарорлар қабул қилади.

касаба уюшмаси мол-мулкани тасарруф қилади;

Республика кенгаши аппарат ходимлари иш хақи миқдорини Федерация сайланма органлари томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгилайди;

ижтимоий шериклар билан тузилган Тармоқ, Тариф келишувлари ва Ягона жамоа шартномасини тасдиқлайди;

жамоа шартномаларининг тармоқ макетларини ишлаб чиқади;

Республика кенгаши Марказий аппарати даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда штатлар жадвалини тасдиқлайди;

бошланғич ташкилотлар томонидан касаба уюшмаси Марказий аппаратида ҳисоботлар топшириш тартибини, уларни тақдим этиш даврийлигини белгилайди;

тармоқдаги бошланғич ташкилотларининг, шу жумладан, юридик шахс бўлмаган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг ҳисобини юритади;

бошланғич ташкилотлар фаолиятида ёки ҳужжатларида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини 10 (ўн) кунлик муддатда қайта кўриб чиқиш ва қонунга мувофиқлаштириш бўйича тегишли чоралар кўради;

касаба уюшмаси Марказий аппарати иш режасини тасдиқлайди;

Курултой ва Республика кенгаши Мажлиси томонидан ваколат берилган бошқа вазифаларни бажаради.

60. Касаба уюшмаси раиси:

Касаба уюшмасига ҳамда Марказий аппаратга раҳбарлик қилади, бир вақтнинг ўзида Республика кенгаши ва Республика кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ҳисобланади.

Курултой томонидан 5 (беш) йил муддатга сайланади ва у билан меҳнат шартномасини касаба уюшмаси номидан Курултой ваколат берган шахс имзолайди.

61. Касаба уюшмаси раисининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Касаба уюшмаси Устави ва органлари қарорига мувофиқ берилган ваколатлар доирасида касаба уюшмаси номидан ишончномасиз фаолият юритади.

давлат ҳокимияти органларида, ўзини ўзи бошқариш органларида, иш берувчилар, жамоат бирлашмаларида, бошқа ташкилотларда, оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, хорижий ва халқаро ташкилотларда касаба уюшмаси номидан қатнашади;

касаба уюшмаси раиси ўринбосарини сайлаш ёки лавозимидан озод этиш бўйича Республика кенгаши Мажлисига таклифлар киритади;

Республика кенгаши Марказий аппаратини шакллантиради, фаолиятини таъин этади;

ходимлар шахсий таркибига тааллуқли бўлган фармойишлар чиқаради;

Республика кенгаши Марказий аппаратининг ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва бекор қилади, уларнинг вазифаларини белгилайди, уларга ҳисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллайди;

умумий йиғилиш ёки Конференция берган ваколатга асосан, сайланган касаба уюшмаси қўмитаси раислари билан меҳнат шартномасини тузади ҳамда белгиланган тартибда бекор қилади;

Республика кенгаши Мажлиси ва Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қарорларини имзолайди;

касаба уюшмаси номидан хўжалик шартномалари ва бошқа шартномаларни имзолайди;

конунчиликка зид келадиган, касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи ҳаракатлар содир этилганда тегишли органларига, иш берувчи ва уларнинг бирлашмаларига, уларни бартараф этиш ҳақида шунингдек, айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритади;

касаба уюшмаси аъзолари, ходимлари ва фаолларини рағбатлантириш, давлат ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш бўйича тегишли органларга тақлифлар киритади, шунингдек уларга жамоат таъсири чорасини қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

касаба уюшмаси аъзоларидан чет эл хизмат сафарига борадиганлар номзодларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Қурултой, Республика кенгаши ва Республика кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан берилган ваколатлар доирасида бошқа ташкилий бошқарув, маъмурий-хўжалик ишларига оид функцияларни амалга оширади.

62. Республика кенгаши Марказий аппарати касаба уюшмаси органлари мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун шакллантирилади ва доимий асосда фаолият юритади.

63. Касаба уюшмасининг тафтиш комиссиялари:

Тафтиш комиссиялари ўз фаолиятида мустақил бўлиб, вазифаларни қонун ҳужжатларига, мазкур Уставга ҳамда фаолиятига тааллуқли Низомга мувофиқ бажаради. Улар фақат ўзларини сайлаган орган олдида ҳисобот беради.

Касаба уюшмаси тафтиш комиссияси ва унинг раиси Қурултойда, бошланғич ташкилот тафтиш комиссияси умумий йиғилиш (конференция)да, тегишли сайланма органнинг ваколат муддатига тенг муддатга сайланади.

Республика кенгаши ва Ижроия қўмита аъзолари, бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг аъзолари, тегишли касаба уюшмаси органларининг штат ходимлари тафтиш комиссияси аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси аъзолари тегишли касаба уюшмаси сайланма орган йиғилишининг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашади.

Тафтиш комиссиялари тегишли касаба уюшмаси органининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади ва текширади.



Касаба уюшмасининг пул маблағлари тушуми ва сарфини, шунингдек мол-мулкдан фойдаланишни назорат қилади. Текшириш ва тафтиш натижалари буйича тегишли маълумотнома (далолатнома) ва тавсиялар (хулосалар) тайёрлайди.

Тафтиш комиссиясининг қарори ва далолатномалари тегишли касаба уюшмаси раҳбар органи томонидан бир ой муддатда кўриб чиқиши ҳамда улар буйича чора-тадбирлар белгиланиши шарт.

Касаба уюшмасининг Тафтиш комиссияси бошланғич ташкилотлар тафтиш комиссияларига услубий ёрдам кўрсатади.

VIII. ҚУРУЛТОЙЛАР ВА САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН РАҲБАР ОРГАНЛАР МАЖЛИСЛАРИНИНГ ТЎЛА ҲУҚУҚЛИ БЎЛИШИ, УЛАРДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

64. Касаба уюшмаси Қурултойларида, бошланғич ташкилотлар Конференцияларида сайланган делегатларнинг камида 2/3 (учдан икки қисми) иштирок этганда, тегишли касаба уюшма ташкилотларининг йиғилишлари, сайланма органларнинг мажлислари эса – касаба уюшма аъзоларининг ярмидан кўпи катнашганда ваколатли ҳисобланади.

65. Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар коллегиял раҳбар органларининг қарорлари кворум мавжуд бўлгани ҳолда, уларда катнашаётган делегатлар, сайланма органлар аъзолари ёки йиғилиш катнашчиларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганида қабул қилинган ҳисобланади.

66. Овоз бериш усули (очиқ ёки ёпиқ) Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар коллегиял раҳбар органларининг аъзолари ва умумий йиғилиш иштирокчилари, томонидан белгиланади.

67. Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар коллегиял раҳбар органларининг йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади ва тегишли баённомалар расмийлаштирилади.

68. Касаба уюшмасининг сайланадиган раҳбар органларига иш берувчилар ёки давлат органларининг мансабдор шахслари аъзо бўлишлари мумкин эмас.

69. Заруриятга ва шароитга кўра, касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар коллегиял раҳбар органларининг йиғилишлари видеоконференция алоқа тизими орқали ўтказилиши мумкин. Бунда ушбу органларнинг иш жараёни, иштирокчиларнинг овоз бериши кўринарли бўлиши ва мазърузаларининг эшитилиши таъминланган бўлиши керак.

IX. КАСАБА УЮШМАСИ МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ ҲАМДА УЛАРИИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАИБАЛАРИ

70. Касаба уюшмаси ҳамда унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар мол-мулки ва пул маблағлари ҳар ойлик аъзолик бадаллари, ихтиёрий ажратмалар, тadbирлар ўтказишдан, ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятидан олинган, жамоа шартномалари орқали иш берувчи томонидан ажратилган маблағлар шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлардан ташкил топади.

Касаба уюшмаси мулк ҳуқуқи билан ўзига тегишли бўлган мол-мулк ва пул маблағларига эгалик қилади, фойдаланади ва тасарруф қилади.

71. Касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ва бошқа манбалардан тушган маблағлар маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларига, туризм йўналишига, касаба уюшмаси аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантиришга, касаба уюшмаси органларида ишлайдиган ходимларга ҳақ тўлаш ва мазкур Устав ҳамда амалдаги қонунчилик доирасида бошқа мақсадлар учун сарфланади.

72. Иш берувчилар касаба уюшмаси ташкилотига турли мақсадли, жумладан, маданий-оммавий, спорт ва бошқа тадбирларини ўтказиш учун жамоа шартномасида белгиланган маблағларни ўтказишлари мумкин.

Иш берувчилар, тегишли касаба уюшмаси ташкилоти балансида ходимларни қўллаб-қувватлаш, касаба уюшмаси ташкилоти салоҳиятини ошириш мақсадида ўзларининг балансида бўлган объектлар, бино ва иншоотлар, асосий воситалар, активларни беғараз ўтказиб бериши ёки фойдаланишга бериши мумкин.

73. Касаба уюшмаси ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлари ўз маблағларини исталган банкка қўйиши, акцияларни сотиб олиши, депозитга қўйиши, фондсиз ссудалар ажратиши, ўз мулкларини ижарага бериш ҳуқуқига эгадир.

74. Касаба уюшмаси ташкилотлари Уставда назарда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, транспорт ва техник воситалар, инвентар, маданият, спорт ва соғломлаштириш муассасалари, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, ёрдамчи хўжалик ва бошқа мол-мулкка эгалик қилиши мумкин.

75. Касаба уюшмаси аъзолик бадалларини йиғиш вазифаси бошланғич ташкилотлар сайланма органлари томонидан амалга оширилади.


Бошланғич ташкилотлар аъзолик бадаллардан Федерация сайланма органи томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, ўз ихтиёрида қолган қисмини Республика кенгаши Ижроия қўмитаси билан келишган ҳолда, сайланма орган тасдиқлаган сметага мувофиқ сарфлайди.

76. Иш берувчилар касаба уюшмаси аъзоларининг ёзма аризалари асосида тегишли бошланғич ташкилот сайланма органининг ҳисоб-рақамига ходимларнинг ҳар ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказиши шарт.

77. Аъзолик бадаллари ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (стипендия)нинг 1 (бир) фоизи миқдорида белгиланади.

Касаба уюшмаси аъзосининг аризасига асосан ўз хоҳиши билан белгиланган миқдордан ортиқ бадал тўлаши мумкин.

Ишламайдиган пенсионерлар, узрли сабаблар бўйича вақтинчалик ишини тўхтатган фуқаролар аъзолик бадалларини республикада белгиланган энг кам ёшга доир пенсия ва меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси биринчи разрядининг коэффициентига нисбатан ҳисобланган иш ҳақининг 1 (бир) фоизи миқдорида тўлайдилар.



Тўлов муддатлари тегишли касаба уюшмаси органи қарори билан белгиланади.

78. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан машғул бўлган фуқаролар аъзолик бадалларини йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган маблағнинг 1 (бир) фоизи миқдорида йилда бир марта тўлаши мумкин.

79. Аъзолик бадалларини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади: олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг стипендия олмайдиган талаба ва ўқувчилари;

бола туғилиши ва парвариши таътилидаги аёллар - 3 (уч) йилгача муддат; Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ бошқа фуқаролар.

80. Касаба уюшмаси маблағларини мақсадли ва самарали сарфлаш тартиби Республика кенгаши Мажлиси қарори билан белгиланади. Касаба уюшмасининг барча органлари учун ушбу тартиб бажариш учун мажбурийдир.

Молиявий интизомга амал қилмаган касаба уюшмаси органлари раҳбарлари, масъул шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

81. Касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич ташкилотлар органлари раҳбарлари, масъул шахслари томонидан содир этилган қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда, уларнинг ҳатти-ҳаракати натижасида вужудга келган камомад ва мажбуриятлар бўйича касаба уюшмаси жавобгар бўлмайди.

82. Касаба уюшмаси сафидан чиққан ёки чиқарилган аъзонинг касаба уюшмалари мол-мулкига нисбатан даъвоси қаноатлантирилмайди, унга тўлаган аъзолик бадаллари қайтарилмайди.

83. Касаба уюшмасининг мулки дахлсиздир ва у қонун билан қўриқланади. Унинг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

84. Касаба уюшмаси, унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қарори (рухсати) билан мол-мулк ва активлар (бино ва иншоотлар, қурилмалар, автотранспорт воситалари, турли қимматбаҳо аппаратура ва техника воситалари ва ҳоказо)ни сотиб олиши мумкин.

85. Касаба уюшмаси, унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар қонунчиликда таъқиқланмаган тарзда ҳар қандай мол-мулкни ҳадя (беғараз) равишда қабул қилиб олиши мумкин.

86. Касаба уюшмаси мол-мулклари ва активлари (бино ва иншоотлар, қурилмалар, автотранспорт воситалари, турли қимматбаҳо аппаратура ва техника воситалари ва ҳоказо) касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан ҳисобдан чиқарилиши, сотилиши, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга ёхуд беғараз берилиши мумкин.

X. ХОДИМЛАР ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

87. Касаба уюшмалари тизимидаги лавозимига сайланган ходимлар билан сайланма органнинг ваколат муддатига тенг, яъни 5 (беш) йил муддатли меҳнат шартномаси тузилади ва уни имзолаш ҳуқуқи (иш берувчи ваколлати) касаба уюшмасининг сайланма органи номидан:



Республика кенгаши раисига нисбатан – Курултой ёки Республика кенгаши Мажлиси ваколат берган делегат (вакил) зиммасига;

Республика кенгаши раис ўринбосарига нисбатан - Республика кенгаши раисига;

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти кўмитаси раисларига нисбатан - Республика кенгаши раисига ёки умумий йиғилиш (Конференция) ваколат берган вакил(делегат) зиммасига юклатилади.

88. Сайланма лавозимдаги ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга, меҳнат шартларини ўзгартиришга, интизомий жавобгарликка тортишга тегишли сайланма органнинг олдиндан розилиги билан йўл қўйилади.

89. Сайланма лавозимдаги ходимларнинг меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар, жамоа шартномалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

XI. КАСАБА УЮШМАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

90. Касаба уюшмасининг фаолиятини қайта ташкил этиш, тўхтатиш ва тугатиш Курултой қарорига кўра, қонунда кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Курултойнинг касаба уюшмаси фаолиятини қайта ташкил этиш, тўхтатиш ва тугатиш ҳақидаги қарори, агар уни Курултойда иштирок этган делегатларнинг камида 2/3 (учдан икки) қисми ёқлаб овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

Касаба уюшмасини қайта ташкил этишда Курултой касаба уюшмасининг ҳуқуқий ворисини белгилайди.

91. Касаба уюшмасини тугатиш тўғрисида қарор Курултой ёки суд томонидан қабул қилинади. Тугатиш ҳақида қарор қабул қилган орган қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

92. Касаба уюшмасининг фаолияти тугатилганда, барча қарзлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан ва кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган маблағ ёки мол-мулк ушбу Уставда кўзда тутилган ва Курултойнинг қарори билан белгиланган мақсадларга йўналтирилади.

Касаба уюшмасининг мол-мулки касаба уюшмаси аъзолари ва ходимлари ўртасида тақсимланмайди.

93. Касаба уюшмаси тугатилган ҳолда унинг ҳужжатлари белгиланган тартибда архив муассасаларига саклаш учун топширилади.

XII. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

94. Ушбу Уставга қўшимчалар ва ўзгартириш Курултой қарори билан, Курултойлар оралиғида эса Республика Кенгаши Мажлисининг қарори билан киритилади.

Уставга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги қарор кворум мавжуд бўлганида, Курултой делегатларининг ёки Республика кенгаши

аъзоларининг 2/3 (учдан икки) қисми ёқлаб овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

95. Мазкур Уставни ёки унинг айрим қоидаларини шарҳлаш (талқин этиш) ҳуқуқи Республика кенгаши Ижроия қўмитасига берилади.

Ушбу Устав қоидаларининг талқини бўйича ҳар хил фикрлар, келишмовчиликлар келиб чиққанда, унинг ўзбек тилидаги матни устунликка эга бўлади.

96. Касаба уюшмаси Уставига ўзгаришлар, қўшимчалар ва тузатишлар киритилганда, касаба уюшмаси белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилади.

Касаба уюшма раиси



А. Ишанходжаев

